Куч — адолатда

2014 йил
5 сентябрь,
жума
№ 35-36 (497)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Ватан, она меҳри, тинчлик-тотувлик, ободлик, миллий ғурур, ҳурлик ва истиқбол... Замирида инсон бахти, фаровон турмуши, порлоқ келажаги мужассам бу муқаддас тушунчаларнинг барчаси бир қутлуғ масканда — Мустақиллик майдонида ўз ифодасини топган.

Азим пойтахтимиздаги Мустақиллик майдони эл-юртимиз ҳаётида чуқур маъно-мазмунга эга. Бу улуғвор маскан аждодларимиз асрлар давомида орзиқиб кутган, бугунги бахтиёр авлодларга насиб этган энг улуғ, энг азиз неъмат бўлмиш истиқлолимиз рамзи. Ўз тақдирини ўз қўлига олиб, келажаги буюк давлат барпо этиш йўлида юксак марраларни забт этаётган азму шижоатли халқимиз қалбидаги эзгу ва беғубор орзулар ифодаси.



ОЗОДЛИК ВА ЭЗГУЛИК МАЙДОНИ

Президентимиз Ислом Каримов фармонига биноан 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимиз пойтахтининг бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилган.

Муаззам майдон юртдошларимиз, биринчи навбатда, навқирон авлодга мустақиллигимиз қандай буюк ва бебаҳо неъматлигини, уни кўз қорачиғидек асраш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиз эканини англатиб турадиган муқаддас даргоҳдир.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мустақиллик йилларида пойтахтимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари самарасида Тошкентнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Миллий меъморлик ва замонавий архитектура анъаналарини ўзида мужассам этган муаззам майдонлар, сўлим боғлар, кенг ва равон йўллар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жойлар, ижтимоий объектлар шаҳар кўркига кўрк бағишлади.

Давлатимиз раҳбари ғояси, ташаббуси ва раҳнамолигида Мустақиллик майдонида улкан қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилиб, у яхлит меъморий ансамбль, ноёб мажмуа кўринишини олди. Бу ерда олиб борилган бунёдкорлик ишлари бош майдоннинг нафақат манзарасини, балки мазмун-моҳиятини ҳам тубдан ўзгартириб юборди.

(Давоми иккинчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИНИНГ РАИСИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Шаюнус Аюбджанович **Газиев** Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси этиб сайлансин ва шу муносабат билан у Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари лавозимидан озод қилинсин.

2. Ушбу қарор қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 29 август

Шу кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларида "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишга киритиш олдидан кенг муҳокама қилинмоқда.

Qonun ijodkorligi

Инвестиция ва пай фондлари

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилмоқда

Айтиш керакки, Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган ушбу қонун лойиҳасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг "Демократик бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштириш борасида Ҳукумат томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар дастури"да белгиланган инвесторларга қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш, солиқ идоралари ва бошқа назорат қилувчи органлар билан ўзаро муносабатларини соддалаштириш, улар учун ташқи савдо операцияларини расмийлаштириш бўйича ортиқча тартиб-таомилларни бартараф этиш борасидаги вазифалар, шунингдек, пай фондларини ташкил этиш фаолияти, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатишга доир қоидалар ўз ифодасини топмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон омилига эътибор олий қадрият даражасига кўтарилиб, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш энг устувор вазифа этиб белгиланди. Бу борада фуқаролик ишлари бўйича судлар зиммасига ғоятда масъулиятли вазифалар юклатилган. Ўз навбатида, Фуқаролик ва Фуқаролик процессуал кодекслари изчиллик билан такомиллаштириб борилаётгани ҳам айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Islohot va samara

Юқори инстанция судлари

суд қарорларининг қонунийлигини текширишда муҳим ўрин тутади

Чунончи, Фуқаролик процессуал қонунчилигидан ўрин олган апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритиш институтлари суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларни ҳимоя қилиш ҳамда қуйи судлар томонидан йўл қўйилган хатоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда муҳим ҳуқуқий асос вазифасини ўтамоқда.

Айтиш жоизки, Фуқаролик процессуал кодексининг 310-моддасида, ишда иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақида шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилишга ҳақли эканлиги белгилаб қўйилган.

Шунингдек, кодексда ишда иштирок этувчи шахслар билан бирга ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги масала суд томонидан ҳал этилган шахслар доираси ҳам белгиланган.

Албатта, бунинг учун биринчи инстанция суди томонидан низони қонуний ҳал қилиш мақсадида иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлаш, ишга тарафларни жалб қилиш чорасини кўриш, моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри қўллашда ишни судда кўришга тайёрлаш тартибига риоя қилиш ғоятда муҳимдир.

(Давоми учинчи бетда)

Мустақиллик — энг улуғ неъмат

Шу кунларда мамлакатимизда Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги кенг нишонланмоқда. Бутун юртимиз бўйлаб «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғояни ўзида мужассам этган ранг-баранг байрам дастурлари намойиш этилмоқда, турли маданий-маънавий ҳамда тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

Жорий йилнинг 31 августида пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида ушбу энг улуғ ва энг азиз айёмнинг асосий тадбири — Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Мустақиллик — ҳурриятпарвар аждодларимизнинг асрий орзусини, халқимизнинг тенглар ичра тенг бўлиш ҳуқуқини юзага чиқаргани, миллий ўзлигимиз, қаддимиз ва қадримизни тиклагани билан улуғ ва мўътабар.

Мустақиллик — ўз тақдиримизни қўлга олиб, юртимизнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, беқиёс моддий ва маънавий салоҳиятимизни амалга ошириш, жаҳон миқёсида ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш имкони ва салоҳиятини бахшида этгани билан қадрли ва шарафли.

Мустақиллик — мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти, халқимиз фаровонлигини таъминлаётгани, фарзандларимиз келажагига мустаҳкам замин яратаётгани билан азиз ва мукаррамдир.



Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз Ислом Каримов 1991 йил 31 августда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллигини эълон қилган кун тарих солномасида янги даврни бошлаб берди. Бу кун юртимизга ҳурлик, элга бахт, нажот ато этди. Ватанимиз халқаро ҳамжамиятда ўз ўрнига, ўз сўзига эга бўлди. Мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ҳукм сурмоқда. Юртимиз иқтисодиёти изчил ривожланиб, халқимиз турмуш даражаси муттасил юксалиб бормоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun ko`magi

Мурожаатларни қонуний ҳал этиш

қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда адлия идоралари зиммасига ҳам ғоятда муҳим вазифалар юклатилган.

Жумладан, Жиззах вилояти адлия бошқармасининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими томонидан бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Айтинг-чи, қонунда иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузган шахсларга нисбатан қандай жавобгарлик белгиланган?

Р.АБДУЛЛАЖОНОВ,
Тошкент шаҳри, Сирғали тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 101-моддасига кўра, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёки бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг икки бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек, Жиноят кодексининг 185²-моддасига асосан, умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш, шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг элик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр, иссиқлик энергияси, табиий газ, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига қасддан шикаст етказиш ёхуд бундай ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса — энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч ойгача қамоқ билан жазоланади.

Баъзан тўйларда ҳайдовчиларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан, яъни тезликни оширган ҳолда гуруҳ бўлиб ҳаракатланишига кўзимиз тушади. Бу эса, ўз навбатида, бошқа ҳайдовчиларга халақит бериши ёки кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб чиқариши мумкин. Айтинг-чи, бундай ҳайдовчиларга нисбатан қонунларимизда жавобгарлик белгиланганми?

О.ОБИДОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли тумани

— Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128³-моддасига мувофиқ, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши — энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши — энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 40 километрдан ортиқ катталикда ошириб юбориши ёки транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан ортиқ, лекин 40 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда худди шундай ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор ошириб юбориши ёхуд транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини соатига 20 километрдан кўп бўлмаган катталикда ошириб юбориши — энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга ёки транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан бир йил муддатга маҳрум этишга сабаб бўлади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 128⁵-моддасига кўра, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг тўсқинликсиз ҳаракат қилиш ҳуқуқидан фойдаланадиган транспорт воситаларининг ўтиб кетишига халақит бериши — энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлнинг қарама-қарши ҳаракатланиш учун мўлжалланган томонига ёки бўлагига йўл ҳаракати қоидаларини бузган ҳолда чиқиши, шунингдек, авария ҳолати юзага келишига сабаб бўлган, яъни йўл ҳаракатининг бошқа қатнашчиларини тезликни, ҳаракат йўналишини кескин ўзгартиришга ёки ўз хавфсизлигини ёхуд бошқа фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун ўзга чораларни кўришга мажбур қилувчи ҳуқуқбузарликни содир этиши — энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 129-моддасида транспорт воситалари ҳайдовчиларининг таҳдид солувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашган шахслар учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Яъни мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари ҳайдовчиларининг йўлларда йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки авария ҳолатини келтириб чиқарувчи гуруҳ бўлиб ҳаракат қилишда қатнашиши — энг кам иш ҳақининг уч баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

Озодлик ва эзгулик майдони

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугун Мустақиллик майдонининг кўрку тароватн ҳар қандай кишини ҳайратга солади. Бу ердаги доимо яшнаб турувчи дарахтлару турфа гуллар кўзни қувонтиради. Майин шабададан дарахтлар, ям-яшил майсалар оҳиста тебранади. Кундузлари қуёш нурида, тунлари нурафшон чироқлар шуъласида жилоланувчи фавворалар майдон ҳавосини мўътадил сақлайди. Бу ерга келган одам ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис этади.

Бу ерда бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўкинлик ва фаровонликка қандай оғир синов ва машаққатлар эвазига эришганимиз хаёлдан ўтади. Собиқ мустабид тузум давридаги тилимиз, динимизга қилинган тажовузлар, улуғ аждодларимизнинг муқаддас хоклари оёқости қилингани, миллий ғуруримиз, инсонлик шаънимиз, урф-одатларимиз топталгани... Ота-боболаримиз қалбига алам ва азоб солган ўша машъум хотиралар ҳар биримизни мустақиллик аталмиш азиз неъматнинг, бугунги дориломон кунларнинг қадрига етишга чорлайди. Истиқлолнинг буюк моҳияти, саховатли заминимизда яшайдиган ватандошларимиз ҳаётида тутган ўрни, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, онгу тафаккуримизда оламшумул ўзгаришлар сарчашмаси бўлганини янада теран англашга ундайди.

Мустақиллик майдонига муаззам Эзгулик аркаси орқали кириб борилади. Арка тепасидаги парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлаклар эса тинч ва осуда, фаровон ҳаётимиз тимсолидир. Арканинг баланд ва мустаҳкам устунлари мамлакатимиз ривожи учун пойдевор бўлаётган бақувват таянч асослар ифодаси. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик монументи олдида Бахтиёр она сиймоси ифода этилган муаззам ҳайкал қад ростлади. Бугунги тинч, осуда ҳаётимиз, порлоқ келажакка бўлган мустаҳкам ишончимиз акс этган, фарзандини бағрига босиб, унга термилиб турган Бахтиёр она сиймосида ҳар биримиз ўз онамизни, беғубор болалигимизни, баркамол авлодимизни кўргандек бўламиз. Мазкур мажмуа эркин демократик давлат, инсон манфаати ва ҳуқуқлари ҳар нарсадан устун турадиган фуқаролик жамияти барпо этилаётган мамлакатимизда аёл зотига бўлган чексиз ҳурмат-эҳтиром ифодаси ҳамдир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ҳар қайси оилада ғўзаллик ва нафосат, меҳр-муҳаббат тимсоли, хонадонларимиз осойишталигининг посбони бўлган, бир сўз билан айтганда, оилани оилага, жамиятимизни жамиятга айлантирадиган аёл зотига қанча тасаннолар айтсак, қанча таъзим этсак — барибир ўзимизни улар олдида доимо қарздор, деб ҳис қиламиз.

Мамлакатимиз бош майдонида қад ростлаган Бахтиёр она ҳайкали оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотига кўрсатилаётган юксак эътибор ва эҳтиромнинг ифодасидир. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар айнан она бағрида, оила муҳитида куртак ёзади. Онани ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш дунёдаги энг эзгу амаллардандир.

Юртбошимиз ташаббуси билан 2014 йилга Соғлом бола йили, деб ном берилганидан асосий мақсад ҳам халқимизнинг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмуни бўлган соғлом ва баркамол фарзандлар тарбиясига, уни бағрида ардоқлаб, эзгу фазилатлар руҳида камолга етказадиган аёл зотини улуғлаш, соғлом ва аҳил оилани эъзозлашдир.

Майдоннинг кўркига кўрк қўшиб турган обидадаги зарҳал Ер шарида алоҳида ажралиб турган Ўзбекистон харитасини кўрган юртдошларимиз шуурида чексиз ғурур ва ифтихор туйғулари жўш уради. Ушбу тасвир Ватанимиз дунё ичра ягоналиги, унинг жаҳонда ўз ўрни, обрўси борлиги ва шуҳрати тобора юксалиб бораётганига ишорадир.

Халқимизнинг орзу-интилишларини теран ифода этган, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришга хизмат қилаётган мазкур мажмуага Юртбошимиз таклифига биноан Мустақиллик ва эзгулик монументи, деб ном берилди. Монумент ўз меъморий ечими, ғоявий-бадиий мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўлнинг таъсирчан ифодасига, асрий қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш чоғида ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиш яхши анъанага айланган. Юртимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурматини ушбу монумент пойига гулчамбар қўйиш орқали ифода этади.

...Мустақиллик майдони эртаю кеч гавжум. Бахтиёрлик туйғусидан сармаст, қўлида гулдаста тутиб келаётган келинкуёвлар, шўх-шодон кичкинтойлар, қалби қайноқ навқирон йигит-қизлар, юзларидан нур ёғилиб турган отахон ва онахонларга боқиб, тинч-осуда, фаровон ҳаёт нечоғли азиз неъмат экани ҳақида мушоҳадага чўмасиз.

— Ёшлигим шу майдонга тўташ Анҳор бўйларида ўтган, — дейди Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилувчи Салимахон ая Ғаффорова. — Бу ҳудуднинг асосий қисми асфальт ва бетон билан қоплангани боис, ёзнинг жазирамасида нафас олиш оғирлашарди. Истиқлол йилларида бу ерда улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди. Яшил ҳудудлар кенгайтирилиб, каштан, қарағай, арча, эман, қайин каби ҳавони тозаловчи дарахтлар, турли бута ва гуллар экилди. Тунда ранг-баранг чироқлар ёғдусида жилоланадиган кўркам фавворалар атрофга жило бағишлаб турибди.

— Пойтахтимизга бундан беш йил аввал келган эдим, — дейди навоийлик фахрий педагог Баҳриддин Расулов. — Шу қисқа вақт оралиғида Тошкент беқиёс даражада ўзгарибди. Гўзал бино ва иншоотлар, кўчаю хиёбонлар пойтахт чиройига чирой қўшибди. Айниқса, Мустақиллик майдонининг кўрку тароватини кўриб, юрагим ҳаяжонга тўлди. Юртбошимиз айтганидек, ҳеч кимдан кам эмаслигимизга, кам бўлмаслигимизга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

— Ҳар сафар Мустақиллик майдонини зиёрат қилганимда бу қутлуғ масканнинг кўз илғамас, сирли жиҳатларини кашф этгандек бўламан, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабаси Шаҳноза Аширова. — Бу ерда халқимизнинг ўлмас тарихи, бугуни ва ёруғ келажаги намоён. Шу ҳақда ўйлар эканман, Ўзбекистон аталмиш муқаддас диёр фарзанди эканимдан фахрланаман.

Мустақиллик майдони том маънода пойтахтимизнинг, юртимизнинг юрагига, тинч-осойишта, фаровон ҳаётимиз кўзгусига айланган. Майдонда сайр қилиб юрганлар орасида чет элликлар ҳам кўп.

— Бир неча йилдан бери Тошкентда яшайман, — дейди покистонлик тадбиркор Муҳаммад Ҳорун Чоудри. — Туризм соҳасида ишлаганим учун касбим тақозосига кўра дунёнинг кўплаб мамлакатларида бўлганман. Аммо ҳеч қаерда Ўзбекистондек жаннатмонанд юртни, ўзбеклар сингари бағрикенг халқни, Тошкентдек гўзал шаҳарни кўрмаганман. Айниқса, Мустақиллик майдонидаги ҳар бир иншоот ўзига хос чуқур рамзий маънога эгалиги билан ажралиб туради. Бу ердаги орасталик, файзу тароват ҳар доим меҳмонларни мафтун этиб келган.

Дарҳақиқат, ким билан суҳбатлашманг, ана шундай самимий, дилкаш фикрларни эшитасиз. Зеро, пойтахтимиз Тошкент маданият ва маърифатнинг қадимий бешикларидан бири, тинчлик ва дўстлик шаҳри сифатида бутун дунёга маълум ва машҳур.

Гўзал пойтахтимиз, унинг бош майдони — Мустақиллик майдони бетакрор қиёфаси, ҳаётбахш фалсафаси билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, буюк келажак сари катта умид ва ишонч билан интилиши ҳамда унинг қандай улуғвор ишларга қодир эканининг амалий ифодаси сифатида барчамизни шу буюк Ватанга садоқат билан хизмат қилишга даъват этаверади.

Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбири

Qonun ko`magi

Мурожаатларни қонуний ҳал этиш

қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим омилидир

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Айтиш жоизки, адлия бошқармасининг иш режасига асосан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларининг ижроси юзасидан 61 та идора, ташкилот ва муассасада ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар чоғида бир қатор қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида тегишли идораларга 36 та тақдимнома киритилди.

Тақдимномаларнинг натижасига кўра, 50 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди, 5 та буйруқ бекор қилиниб, фуқароларга 20.911.512 сўм маблағ тўлаб берилиши таъминланди. Шунингдек, қонунга хилоф тарзда меҳнат шартномаси бекор қилинган 2 нафар ходим ўз вазифасига тикланди. Шунингдек, Жиззах туманида яшовчи Д.Ҳазратқулованинг "Жиззахтумангаз" филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи О.Абдурашидов томонидан ноқонуний тарзда ишдан бўшатилгани юзасидан ёзган мурожаати ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам, қонун бузилиши ҳолатига йўл қўйилгани аниқланди. Шу боис вилоят адлия бошқармаси томонидан Д. Ҳазратқулова ва Г.Жайнақовани муқаддам эгаллаб турган лавозимларига тиклаш ва филиал бошлиғига нисбатан қонуний чора кўриш тўғрисида Жиззах вилояти "Марказгазтаъминот" бошқармасига тақдимнома киритилди.

Тақдимнома натижасига кўра, Д. Ҳазратқулова ва Г.Жайнақова ишга тикланиб, "Марказгаз" унитар корхонасининг 2014 йил 27 мартдаги 18-сонли буйруғи билан "Жиззахтумангаз" филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи О.Абдурашидовга нисбатан жарима жазоси белгиланди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва уларни қонуний ҳал этиш, шунингдек, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва қонунбузилишларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлашнинг муҳим омилларидан биридир.

Н.ТАЙЛОНОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Fuqarolik qonunchiligi

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ

Маълумки, тадбиркорлик фаолияти миллий иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда тобора муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айтиш мумкинки, тадбиркорлик фаолияти — мамлакатимиз иқтисодиётида юз бераётган жиддий сифат ўзгаришларида ўзининг ҳал қилувчи аҳамиятига эга бўлиб бормоқда. Буни иқтисодиётимиз таркибидаги ижобий ўзгаришларда, ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 55,8 фоизи айни шу соҳада ишлаб чиқарилаётгани, иқтисодиёт тармоқларида иш билан банд бўлган аҳолининг 75 фоизи кичик бизнес улушига тўғри келаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ваҳоланки, XX асрнинг 90-йилларида ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши атиги 1,5 фоиз бўлган. 2000 йилда эса, бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этарди.

Бу борадаги юксак натижалар, аввало, тараққиётнинг "ўзбек модели" шарофатидандир.

Бунда, албатта, юртимизда бизнес юритиш учун қулай амалий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилгани, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш реал иқтисодиётни ислоҳ этишнинг энг муҳим йўналишига айлантирилгани, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг устуворлиги ҳақидаги принцип жорий этилгани каби бир қатор омиллар алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида давлатимиз раҳбари алоҳида қайд этганидек, фақат ўтган йилнинг ўзида рухсат беришга оид 80 дан ортиқ тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, 65 турдаги статистик ҳисоботлар, 23 турдаги ҳисоботни тақдим этиш муддатлари қисқартирилган. Шунингдек, зарур рухсатномалар бериш муддати 2 марта ва мазкур жараёнлар учун харажатлар қиймати 5 марта қисқартирилиб, рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилган.

Шунингдек, ўтган йилнинг ўзида мамлакатимизда 26 мингдан зиёд кичик бизнес субъекти иш бошлади. Ушбу секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг умумий сони 2013 йилнинг охирига келиб, 190 мингтага етди.

Шу ўринда юртимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ тадбиркорлик фаолияти субъектларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратиб келинаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бу борада маълумотларга эътибор қаратадиган бўлсак, фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар судлари томонидан 2014 йилнинг ўтган олти ойи мобайнида тадбиркорларга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ 17 та фуқаролик иши кўриб чиқилган бўлиб, уларнинг 16 таси юзасидан даъво талаблари қаноатлантирилди ва тадбиркорлик субъектларига тегишли маблағлар ундириб берилиши таъминланди.

Шу ўринда судлар томонидан кўриб чиқилган фуқаролик ишларини тоифаларга ажратадиган бўлсак, уларнинг аксариятини тадбиркорларнинг фаолиятига ноқонуний аралашиш натижасида етказилган моддий ва маънавий зарар, пеня ва бой берилган фойдани ундириш тўғрисидаги даъво аризалар ташкил этади.

Qonun ijodkorligi

Инвестиция ва пай фондлари

бу борадаги қонунчилик асослари янада такомиллаштирилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бу борадаги халқаро тажриба атрофлича ўрганиб чиқилди. Жумладан, АҚШ, Германия ва бошқа давлатларнинг инвестиция ва пай фондлари фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари таҳлил қилинди. Қонун лойиҳаси нормалари ушбу соҳадаги энг илғор халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилди.

Маълумки, инвестиция ва пай фондлари деганда, аҳоли пул маблағлари ва бошқа активларини профессионал менежерларга бошқариш учун топшириш механизми тушунилади. Минглаб инвесторларнинг маблағларидан ҳар бир инвесторнинг инвестициясига мутаносиб равишда улуши бўлган, профессионал бошқарув, диверсификация, харажатлар ва таваккал даражаси камайтирилган ягона портфель шакллантирилади.

"Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонуннинг 23-моддасига мувофиқ инвесторларнинг пул маблағларини жалб қилиш ва уларни қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозларга, бошқа инвестиция активларига, шунингдек, банклардаги ҳисобварақларга ва омонатларга қўйиш мақсадида, акциялар чиқарадиган юридик шахс — очиқ акциядорлик жамияти инвестиция фондидир. Инвестиция фондларини ташкил этиш, фаолияти, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган "Инвестиция фондлари тўғрисида"ги Низомда белгилаб берилган. Ушбу Низомнинг 38-бандига мувофиқ, инвестицияларни бошқариш ва инвестиция фондининг қимматли қоғозлари пакетини шакллантириш ҳамда маслаҳатчи сифатида фондга хизмат кўрсатиш инвестиция фонди ўз активларини бошқариш ваколатини берган, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган инвестиция активларининг ишончли бошқарувчиси томонидан амалга оширилади.

Пай фонди Ўзбекистонда мавжуд бўлган инвестиция фондидан фарқли равишда, юридик шахс ҳисобланмайди, инвесторларнинг маблағлари ишончли бошқарувчига берилади. Мисол учун ишончли бошқарувчи алоҳида фондга (инвестиция активларига) гуруҳланган акциялар, облигациялар ва бошқа активлардан иборат бўлган бир неча пай фонди ташкил этиши мумкин (акциялар фонди, облигациялар фонди, энергетика фонди, кимё саноати фонди, нефт-газ тармоғи ва бошқалар), инвесторга эса, инвестиция йўналишини танлаш имконияти яратилади. Инвестор томонидан киритилган маблағлар тасдиғи сифатида, лицензияга эга бўлган ишончли бошқарувчи инвесторга махсус депозитарийда ҳисоби юритиладиган пайни беради.

Жамоавий инвестиция қилиш шаклларини бир вақтнинг ўзида рўй берадиган қуйидаги белгиларига кўра, таърифлаш мумкин:

1) Акцияларни (пайларни) жойлаштириш ёки шартнома тузиш йўли билан маблағлар жалб этиш;

2) Асосий фаолияти сифатида — жалб қилинган маблағларни қимматли қоғозлар ва бошқа объектларга инвестиция қилиш;

3) Даромадларининг асосий қисмини дивидендлар, фоизлар ва шу мулклар билан амалга ошириладиган битимлардан олиш;

4) Инвестиция қилишдан олинган даромадларни жамоавий инвестиция иштирокчилари ўртасида уларга дивидендлар, фоизлар ёки бошқа тўловлар тўлаш йўли билан тақсимлаш.

Қонун лойиҳаси юртимизда жамоавий инвестициялаш тизимининг яратилиши, аҳолининг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва уларни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларини молиялаштиришга йўналтирилишини рағбатлантиришга қаратилган.

Инвестиция ва пай фондларини ташкил этишнинг ҳуқуқий асоси Фуқаролик кодекси ва "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунда ўз ифодасини топган бўлиб, уларда "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун зарурий таянч қоидалар белгиланган.

Мазкур қонун лойиҳаси қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олади:

- қонуннинг қўлланилиши, асосий тушунчалар ва ҳар иккала турдаги фондларга нисбатан қўлланиладиган бошқа талаблар акс эттирилган умумий қоидалар;
- инвестиция фондларини ташкил этиш, фаолияти, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатишга доир қоидалар;
- пай фондларини ташкил этиш, фаолияти, уларни қайта ташкил қилиш ва тугатишга доир қоидалар;
- фондлар фаолиятини тартибга солишга доир қоидалар;
- якунловчи қоидалар.

Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фонд бозори томонидан капиталнинг иқтисодиёт тармоқларига эркин ўтишини таъминлаш, инвесторлар ва аҳолининг кенг қатламига капитал бозорига киришига янада кенгроқ имконият яратиш, жамғармаларни шакллантириш ва уларни кўпайтиришга муқобил имкониятлар яратиш каби функцияларнинг янада самарали бажарилишига хизмат қилади.

Шунингдек, мамлакатимизда инвестиция ва пай фондлари фаолиятини тартибга солиш бўйича махсус қонуннинг қабул қилиниш зарурати ушбу институтлар ёрдамида аҳолининг кенг қатлами ва тадбиркорларга профессионал бошқарув, таваккалчиликларни диверсификация қилиш, харажатларни камайтириш ва бозор конъюнктурасининг ўзгаришларига оператив иш тутиш механизмидан фойдаланиш имконияти берилиши билан изоҳланади.

Феруза ОМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Islohot va samara

Юқори инстанция судлари

суд қарорларининг қонунийлигини текширишда муҳим ўрин тутади

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Фуқаролик процессуал кодексининг 350-моддасига мувофиқ, суднинг қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан сўнг берилган аризалар кўрилмасдан қолдирилиши қатъий белгиланган бўлиб, бу, ўз навбатида, фуқаролик ишларининг ўз вақтида ҳал этилишини таъминлабгина қолмай, ортиқча оворагарчиликларнинг ҳам олдини олади.

Олий суд Пленумининг "Фуқаролик ишларини апелляция, кассация ва назорат тартибида кўриш амалиёти ҳақида"ги қарорида судларга суд қарорларининг қонуний ва адолатли бўлишини таъминлаш, ишларни апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида кўриш чоғида моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини тўғри татбиқ қилиш, фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини янада самарали ҳимоя қилиш ва амалиётда учраётган айрим муаммоларни бартараф этиш борасида тегишли раҳбарий кўрсатмалар берилган.

Айтиш керакки, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судларида бир хил суд амалиётини шакллантириш мақсадида, ҳар чоракда апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида қуйи судлар қарорларининг бекор қилиниши бўйича умумлаштиришлар ва ҳар ойда вилоят суди судьялари томонидан таҳлиллар ўтказиб бориш йўлга қўйилган.

Жорий йилнинг ўтган олти ойида вилоятнинг туманлараро судлари томонидан жами 10 254 та кўриб тамомланган фуқаролик иши бўйича 9 197 та ёки 90 фоиз ҳал қилув қарорлари чиқарилган, шундан 8 137 та ёки 88 фоиз ҳолатда даъволар қаноатлантирилган, 472 та фуқаролик иши бўйича даъволар кўрмасдан қолдирилган, 585 та фуқаролик иши иш юритишдан тугатилган.

Вилоят суди апелляция инстанциясида эса, 258 та апелляция тартибида, кассация тартибида 330 та, вилоят суди раёсатида назорат тартибида 22 та фуқаролик иши бўйича келтирилган шикоятлар кўриб чиқилган.

Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, апелляция, кассация инстанциясида биринчи инстанция суди томонидан кўрилган ишлар юзасидан чиқарилган қарорларнинг қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди кассация инстанциясининг 2014 йил 10 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг 2014 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар Д.Юлдашеванинг жавобгар Ж.Қўзибоевга нисбатан фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар ўзининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси рад қилинган. Зотан, Оила кодексининг 117-моддасида белгиланган асосларга кўра, эр ва хотин фарзанди уч ёшга тўлгунга қадар алимент ундиришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бироқ даъвогар ва жавобгар қонуний никоҳдан ўтмасдан, шаръий никоҳ асосида яшаб келганлиги сабабли суд томонидан даъво талабларини рад қилиш тўғрисида асосли хулосага келинган.

Шу ўринда яна бир мисолга эътибор қаратсак, фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти суди кассация инстанциясининг 2014 йил 17 июлдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Иштихон туманлараро судининг 2014 йил 14 майдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогар О.Исмоилованинг жавобгар Н.Ҳайдаровга нисбатан фарзандининг моддий таъминоти учун 3 ёшга тўлгунга қадар алимент ундириш тўғрисидаги даъво аризаси қаноатлантирилган.

Н.Ҳайдаровнинг суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб келтирган шикояти вилоят судида атрофлича ўрганилиб, тарафлар қонуний никоҳда эр-хотин бўлиб яшаб келишгани, бироқ эри хотинига фарзанди 3 ёшга тўлгунига қадар моддий таъминоти учун ўз ихтиёри билан ёрдам бермаётгани биринчи инстанция суди томонидан қатъий суммада алимент ундириб бериш тўғрисида асосли хулосага келишига асос бўлгани инобатга олиниб, шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, апелляция, кассация ва назорат тартибида иш юритиш фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва уларни ҳимоя қилиш, суд қарорларининг асосли, адолатли ва қонунийлигини таъминлашда ғоятда муҳим ўрин тутади.

Ихтиёр ҚОСИМОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят суди раисининг ўринбосари

Maslahat

Маъмурий жавобгарликка тортилган шахс

унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?

Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 294-моддасида Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари белгилаб қўйилган.

Яъни Маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосини баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилида сўзлашга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан шикоят беришга ҳақлидир.

Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахс иштирокида кўриб чиқилади. Мазкур шахсга ишни кўриб чиқиш жойи ва вақти ҳақида хабар қилинганлиги тўғрисида маълумотлар бўлган ва ундан ишни кўриб чиқишни кечиктириш хусусида ҳеч қандай илтимос тушмаган ҳоллардагина иш унинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин.

Башарти содир этган ҳуқуқбузарлиги учун Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда маъмурий қамоққа олиш, ашёларини мусодара қилиш ёки ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш чораларини қўллаш назарда тутилган бўлса, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида маъмурий жавобгарликка тортилаётган шахснинг қатнашиши шарт. Мазкур шахс бундай маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқишда қатнашишдан бўйин товлаган тақдирда у маъмурий ишлар бўйича судьянинг ажримига биноан, ички ишлар органи томонидан мажбуран олиб келиниши мумкин.

ва қонуний манфаатлари

судлар томонидан кафолатли таъминланмоқда

Масалан, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар туманлараро судига "Мунис" масъулияти чекланган жамияти ходими Т.Аҳмедовнинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) манфаатини кўзлаб, жавобгар туман электр тармоқлари корхонаси ходими Г.Бурҳоновадан маънавий зарар ундириш ҳақидаги даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Аниқланишича, туман электр тармоқлари корхонаси ходими Г.Бурҳонова Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори талабларига зид равишда тадбиркорлик субъектидан ортиқча ҳужжатларни талаб қилиб олган. У бу хатти-ҳаракати билан тадбиркорлик субъектига моддий ва маънавий зарар етказган.

Амалдаги қонунда, яъни Фуқаролик кодексининг 1021-моддасида маънавий зарар уни етказувчининг айби бўлган тақдирда, зарар етказувчи томонидан қопланиши қайд этилган.

Суд жавобгарнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари туфайли даъвогар маънавий зарар кўрганлигини инобатга олиб, даъво талабини қаноатлантиришни лозим деб топди. Яъни жавобгар туман электр тармоқлари корхонаси ходими Г.Бурҳоновадан "Мунис" масъулияти чекланган жамияти ходими Т.Ахмедов фойдасига маънавий зарар ундириш лозим, деган тўхтамга келди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар прокурори якка тартибдаги тадбиркор Ф.Ҳодиев (исм-шарифлар ўзгартирилган) манфаатини кўзлаб, туман давлат солиқ инспекциясидан ортиқча тўланган 348 495,01 сўм маблағни ундириш тўғрисида судга даъво аризаси киритди.

Мазкур фуқаролик иши юзасидан тўпланган маълумотларга кўра, Ф.Ҳодиев давлат рўйхатидан ўтиб, якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келган, у солиқ ва бошқа йиғимларни мунтазам равишда тўлаб борган.

Кейинчалик Ф.Ҳодиев муайян сабабларга кўра, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни тўхтатган ва бу ҳақда туман давлат солиқ инспекциясига ўрнатилган тартибда хабар берган. Бироқ туман солиқ инспекцияси томонидан Ф.Ҳодиевни тадбиркорлик субъектлари рўйхатидан чиқариш вақтида ортиқча тўланган солиқ ва бошқа йиғимлар бўйича пул маблағларини қайтариш чоралари кўрилмаган.

Суд Солиқ кодексининг 56-58-моддалари талабларига биноан, даъво талабларини қаноатлантирди ва Ф.Ҳодиевнинг фойдасига 348 495,01 сўм миқдорида пул маблағи ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

Хулоса қилиб айтганда, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлабгина қолмай, иқтисодиётимиз ривожига ҳам муносиб улуш қўшади.

Акром ШУКУРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси

Giyohvandlik — asr vabosi

Эгри йўлга бош қўшганлар

Бугунги кунда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солаётган муаммолардан бири саналади. Зеро, бу иллат инсон саломатлигига путур етказибгина қолмай, жамият барқарорлигига жиддий хавф туғдириш баробарида бошқа жиноятларнинг келиб чиқишига йўл очади.

Шу боисдан ҳам мамлакатимизда гиёҳвандлик балосига қарши курашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилган. Хусусан, Жиноят кодексида гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш оғир ва ўта оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлиб, уларни содир этганлик учун қатъий жавобгарлик назарда тутилган.

Шунингдек, гиёҳвандликка муккасидан кетган кимсаларга нисбатан судлар томонидан мажбурий тартибда даволаш чоралари ҳам қўлланилади.

Шу ўринда фикримизни мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, шаҳрисабзлик (исм-шарифлар шартли) Қаюм Баҳромов ҳамда Одил Бурҳонов қора қилмишлари учун муқаддам икки марта жиноий жавобгарликка тортилган. Бироқ улар бундан ўзларига тегишли хулоса чиқариб, ҳаётда тўғри йўлни топиш ўрнига яна жиноий қилмишга қўл уришди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мустақиллик – энг улуғ неъмат

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

«Бизга тинчлик ва омонлик керак». Давлатимиз раҳбарининг бу эзгу даъвати барча-барчамизнинг юрагимиз, қалбимиздадир. Зотан, тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили. Мамлакатимизда ана шу омилнинг доим барқарорлиги туфайли барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда.

Ўзбекистон қатъий тинчликсевар сиёсат юритиб келмоқда. Давлатимиз ҳеч қандай ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмайди. Аскарларимиз фақат ўз Ватани, ўз халқи тинчлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилади.

Ана шундай қатъий сиёсати ва эзгу ташаббуслари сабаб мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донги кетган фирма ва компаниялар юртимиз билан ҳамкорликка интилмоқда.

Бугун Ўзбекистон 130 дан ортиқ давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатган. Тошкентда 45 мамлакатнинг элчихонаси, йигирмага яқин халқаро ташкилот ва молиявий муассаса ваколатхоналари фаолият кўрсатмоқда.

Шу маънода, давлатимиз раҳбари **«Мустақиллик кунини нишонлар эканмиз, барчамизнинг ҳаётимизда чуқур из қолдирган, биз босиб ўтган тарихан қисқа даврда нималарни бошимиздан кечирдик, нималарга эришдик, таъбир жоиз бўлса, «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган фикр-мулоҳазалар беихтиёр хаёлимиздан ўтиши табиийдир»,** деб алоҳида қайд этгани бежиз эмас.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланган, асосан пахта хомашёси етказиб беришга ихтисослашган, пахта яккаҳокимлиги ҳалокатли тус олган қолоқ республикадан саноати тез суръатлар билан ўсиб бораётган, жадал тараққий этаётган мамлакатга айланди.

Мамлакатимизда ўтган даврда автомобилсозлик, моторсозлик заводларига, нефть ва газни қайта ишлаш, замонавий маиший техникалар, компьютер ва мобиль телефонлар ишлаб чиқариш каби янги саноат тармоқларига асос солинди. Озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати корхоналари модернизация қилинди. Бугун уларда тайёрланган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорларини ҳам забт этмоқда.

Яқинда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлараро статистика қўмитаси минтақа мамлакатларининг 2014 йил биринчи ярим йиллигидаги ривожланиш кўрсаткичларини эълон қилди. Унга кўра, Ўзбекистон саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича МДҲда биринчи ўринни эгаллади.

Президентимиз раҳнамолигида иқтисодиёт таркиби тубдан ўзгартирилгани, саноат ривожига алоҳида эътибор қаратилгани самарасида мамлакатимиз бу соҳада ҳам биринчилар сафига чиқиб олди. Бугун юртимизда юксак технологияларга асосланган кўплаб замонавий корхоналар фаолият юритмоқда. Уларда инсон учун, халқимиз эҳтиёжи учун зарур барча маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Шу каби ислоҳотлар самарасида истиқлол йиларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 карра ўсди. Аҳоли даромадлари жон бошига 8,7 баробар кўпайди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиётининг йиллик ўсиши охирги 10 йил давомида 8 фоиздан ошиб, барқарор ривожланиб бормоқда. Иқтисодиётимизда ўзлаштирилган капитал маблағлар ҳажми 180 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, бунинг 60 миллиард доллардан зиёди хорижий сармоялардир.

Мамлакатимиздаги фаровонлик, мўл-кўлчиликка бутун дунё ҳавас қилмоқда. Жорий йилнинг 6 июнида пойтахтимизда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган хорижлик мутахассислар ва ишбилармонлар буни яна бир бор эътироф этди, ютуқларимизни тан олди.

Истиқлол йилларида Ватанимизнинг бой маънавий-маданий мероси тикланди. Президентимиз ташаббуси билан Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий сингари улуғ боболаримизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк аждодларимиз қадамжолари обод этилди, ҳаёти ва бебаҳо мероси ўрганилмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари қадим ва муаззам шаҳарларимиз юбилейи халқаро миқёсда тантана қилинди. «Авесто»нинг 2700 йиллиги, «Алпомиш»нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш асосида тарихимиз янада теран ўрганилди, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдизлари тадқиқ этилди.

Жорий йилда Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусидаги халқаро конференция дунёда буюк аждодларимизнинг даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамон юқори эканини кўрсатди.

Ушбу халқаро анжуманда иштирок этган олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари Ўзбекистон алломаларининг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган юксак ҳиссасини яна бир бор эътироф этди. Мамлакатимизда тарихни ўрганиш, таълим тизимини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самараларини юксак баҳоладди.

Мустақиллик йилларида юртимизда болаларнинг соғлом туғилиши ва баркамол улғайиши учун барча шароит яратилди. Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояни кучайтириш, таълим тизимини такомиллаштириш, болалар спортини ривожлантириш каби соҳалардаги ислоҳотлар ўзаро узвийлик касб этиб, изчил амалга оширилди. Бугун замонавий тиббий марказлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, ирсий касалликларнинг олдини олиш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Бунинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз томонидан асос солинган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг фаолияти умуммиллий ҳаракатга айланди. Бу жараён таълим-тарбия тизими билан мутаносиб равишда олиб борилаётгани ёшларимизни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан уйғун ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Мустақиллик байрами арафасида Хитойнинг Нанкин шаҳрида ўтказилган ўсмирлар ўртасидаги II Олимпия ўйинларида ёш спортчиларимиз муносиб қатнашиб, 4 олтин, 3 кумуш ва 3 бронза, ҳаммаси бўлиб — 10 та медални қўлга киритди. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, 28 нафар навқирон ўғил-қизларимиз жаҳоннинг энг нуфузли спорт мусобақасида ҳеч кимга бўш келмасдан, азму шижоат кўрсатиб, илгари биз тасаввур қилишимиз ҳам қийин бўлган шундай улкан марраларга эришди.

Бу сарбаланд ютуқлар, бир томондан, мамлакатимизда навқирон авлодни жисмонан соғлом, маънан етук этиб тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилаётганининг юксак самараларига яна бир яққол мисол бўлса, иккинчи томондан, Ўзбекистон ёшларининг мустақиллигимизнинг 23 йиллик байрамига муносиб туҳфасидир. Президентимиз таъкидлаганидек, **бугун биз бошлаган улуғ ишларнинг давомчилари бўлмиш мана шундай йигитлар, қизларимизни, уларнинг бахту камолини кўриб, шундай гўзал юртда, шундай ёруғ, мусаффо осмон остида яшаш насиб этганига барчамиз шукроналар айтамиз.**

Шу тариқа истиқлолимизнинг йигирма уч йили давомида дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кириш йўлида амалга оширган ишларимизни баҳолар эканмиз, Президентимиз эътироф этганидек, **юртимизда яшаётган ҳар қайси ёшу қари инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бошини баланд кўтариб, ягона Ватанимиз бўлмиш Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги оламшумул ишларда менинг ҳам муносиб ҳиссам бор, деб айтишга ҳақлидир.**

Ҳа, барқарор тараққиёт йўлидан изчил қадамлар билан бораётган Ўзбекистонимизнинг турли соҳаларда эришаётган ютуқлари барчамизга ҳақли равишда ғурур ва ифтихор бағишламоқда. Халқимиз қўлга киритган улкан натижаларни жаҳон ҳамжамияти, бизга хайрихоҳ бўлган дўстларимиз ҳам, хайрихоҳ бўлмаганлар ҳам тан олмоқда.

Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз ҳаётдан доимо яхшилик кутиб, бошқаларга ҳам яхшилик тилаб яшайдиган халқмиз. Шунинг учун ҳам эртанги кунимизнинг бугунгидан кўра ёруғ, тинч ва фаровон бўлишини орзу қиламиз, шу йўлда ўзимизни аямасдан, бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
Бобомурод РАЙИМОВ

БОЙСУН ТУМАН ДАВЛАТ ЎРМОН ХЎЖАЛИГИ ЖАМОАСИ

серқуёш диёримиз аҳлини Ватанимиз МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 23 ЙИЛЛИК шодиёнаси билан табриклайди!

Мамлакатимиз осмони мусаффо, халқимиз ҳаёти янада фаровон бўлсин! Тинчлик-осойишталик, миллатлараро тотувлик, эзгулик юртимизни ҳеч қачон тарк этмасин!



Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» Республика Бирлашмаси

Мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган катта байрам дастурига барча юртдошларимизни таклиф этади.



Ушбу байрам дастурига ташриф буюриш билан Сиз бир-биридан чиройли, энг сара саҳна кўринишларини томоша қилиб, фарзандларингизнинг мароқли дам олишига имкон яратасиз.

Томошалар 28 сентябрга қадар давом этади.
Бошланиш вақти ҳар куни соат 18⁰⁰ да.
3 ёшгача бўлган болаларга кириш бепул!

Мурожаат учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94

Реклама ўрнида

Qishloq Qurilish Bank

Ишончли ҳамкор

Маълумки, бугунги кунда юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун кенг кўламли бизнес муҳити яратиб берилган. Айниқса, ёш тадбиркорларнинг ўз тижорат ишларини ривожлантиришда банк-кредит ташкилотларининг ўрни беқиёс. Бир пайтлар ўз сармоясига эга бўлиш истагида юрган мен қатори ёшлар хозирги кунда катта тадбиркор бўлиб етишишмоқда.

Мен ҳам шаҳримиз фуқароларини сифатли нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида «АЛ-САИД ЭЛИГАНТ» хусусий корхонасини ташкил этдим. Бироқ кўп ўтмай корхонамиз фаолиятида камчиликлар пайдо бўла бошлади. Шу билан бир қаторда, ишлаб чиқаришда технологиянинг анча эскирганлиги маълум қийинчиликлар туғдирди. Олдимиздаги энг катта муаммолардан бири эса, нон маҳсулотларини тез ва сифатли пиширишда замонавий печларнинг йўқлиги эди. Шундан сўнг корхонамиз аъзолари таклифи билан нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва сифатини янада оширишга қаратилган бизнес режа ишлаб чиқдик. Ушбу молиявий тадбирни амалга оширишда, албатта, тижорат банкларининг кредитларидан фойдаланишни кўзда тутган эдик. Корхонамиз аъзоларига АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Қўрғонтепа филиали томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари ва кредит фоизлари маъқул бўлди. Бизнес режамизни банкка тақдим этдик ва тез фурсатда бизга 35 миллион сўм миқдоридаги кредит маблағи ажратилди. Бу маблағ эвазига корхонага нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий технологиялар сотиб олдик. Натижада туманимиз ҳудудида нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи кичик цех ташкил этилди ва 4 киши доимий иш билан таъминланди. Янги иш ўринларига касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ҳам жалб этдик.

Замонавий технологияларни олиб келиб ўрнатилиши корхонамизда ишлаб чиқарилаётган нон ва нон маҳсулотлари турларининг ортишига ҳам имкон яратди. Корхонанинг самарали фаолияти натижасида эса, даромадимиз ортди. Келажакда фаолиятимизни янада ривожлантириб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ниятидамиз.

Сайдулло АБДУҚОДИРОВ,
Андижон вилояти, Қўрғонтепа туманидаги «АЛ-САИД ЭЛИГАНТ» хусусий корхонаси раҳбари

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Giyohvandlik — asr vabosi

Эгри йўлга бош қўшганлар

Гап шундаки, кунларнинг бирида Қаюмга таниши Шавкат Умиров қўнғироқ қилиб, муҳим гапи борлигини, шаҳар Алоқа бўлими биноси олдига етиб келишини тайинлайди. Қаюм айтилган манзилган етиб келгач, ўзаро гурунг асносида Шавкат унга ўзининг эҳтиёжи учун "дори" зарурлигини айтади.

— Ўзимда-ку йўқ, — дейди Қаюм кўзларини олазарак қилиб, — агар пулини берсангиз, танишларимдан топиб беришим мумкин.

Қисқаси, шу куни Қаюм Шавкатдан 4.1 грамм гиёҳвандлик воситаси учун 130 минг сўм пул олиб, у билан хайрлашади.

Қаюм Шавкатга бежизга қуюқ ваъда бермаган эди. Чунки у таниши Одилнинг анчадан буён хуфёна тарзда оғуфурушлик билан шуғулланиб келишини биларди. Шу заҳотиёқ у Одилнинг уйига йўл олади.

Ҳамтовоқлар ўртасида "иш" пишгач, шу куни 16³⁰ лар чамаси Қ.Баҳромов келишилган манзилда Шавкатга оғуни бераётган пайтда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан жиноят устида ушланди. Худди шунингдек, ички ишлар ходимларининг тезкор ҳаракатлари туфайли О.Бурҳонов ҳам қўлга олинди.

Суд оғуфуруш кимсаларнинг кирдикорларини атрофлича муҳокама этиб, Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан уларнинг ҳар бирига нисбатан қонун доирасида жазо тайинлади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, соғлом турмуш тарзимизга мутлақо зид бўлган гиёҳвандлик воситаларига қарши курашиш жиноятчиликнинг олдини олиш ва халқимиз саломатлигини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Орзимурод ШУКУРОВ,
жиноят ишлари бўйича Шаҳрисабз тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч — адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Шоюнус ГАЗИЕВ, Қўчқор ТОҒАЕВ, Русланбек ДАВЛЕТОВ, Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ, Омонбой ОҚЮЛОВ, Холмўмин ЁДГОРОВ, Икром МУСЛИМОВ, Ғайрат ҲИДОЯТОВ, Арислон УСМАНОВ, Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-922. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 8711.
1 2 3 4 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21²⁰